O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 30 январь, жума • № 9 (10.992) • Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВНИ "АМИР ТЕМУР" ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

Ўзбекистон давлатчилигини барпо этиш ва жаҳон ҳамжамиятида миллатимиз обрўсини юксалтириш, фуқаролар тинчлиги ва умуммиллий тотувликни мустаҳкамлаш, маданий қадриятларни асраб қолиш ва ривожлантириш борасидаги буюк хизматлари учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов "Амир Темур" ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг раиси Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 26 декабрь.

Суратда: уста Ф. Ниёзов (чапдан ўнгга) франциялик моделчи Турсун Кари ва механик В. Раҳимов билан конвейердан тушган маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқдалар.

Тўлқин КАРИМОВ олган сурат.

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

КАДРЛАР МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ислоҳотларнинг тақдири, ривожи кўп жиҳатдан кадрларга, уларнинг иқтидорига боғлиқ. Айниқса, қишлоқ хўжалиги ривожини таъминлашда бу яққол кўзга ташланмоқда. Ана шунинг учун ҳам республика Вазирлар Маҳкамаси қишлоқ хўжалиги кадрларининг иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш масалаларига оид билим ва малакаларини аниқлаш, уларнинг масъулиятини кучайтириш мақсадида аттестация ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Вилоят ҳокимининг шу йил 27 январдаги 26-сонли қарори ҳам туман ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиёт масалалари бўйича ўринбосарлари, вилоят қишлоқ хўжалиги тизимидаги бошқарма, бўлим ҳамда жамоа хўжаликлари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида бўлди.

28 январь куни вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган ўқув-семинар жойларда вилоят ҳокимининг ушбу қарорини амалга ошириш ва аттестацияни ўтказиш масаласига бағишланди.

Ўқув-семинарни Тошкент вилояти ҳокими Эркин Рўзиев бошқарди.

Ўқув-семинарда туман ҳокимлари, вилоят ҳокимлигининг тегишли мажмуа ва бўлимлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Унда сўзга чиққан вилоят ҳокимининг биринчи муовини, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Уммат Мирзақулов, вилоят ҳокими ижроия маҳкамасининг ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари гуруҳининг раҳбари Юнус Шарипов, ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари Жаҳонгир Файзиев ва бошқалар қишлоқ хўжалиги кадрлари аттестациясини ўтказиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Барча туманларда ҳам мана шундай ўқув-семинарлар ташкил этиш тавсия этилди.

Кўрилган масала юзасидан тадбирлар белгиланди.

СУРЪАТ ОШМОҚДА

"КАПРОЛАКТАМ" корхонаси жамоаси бозор иқтисодиётига ўтиш даври қийинчиликларини бартараф этиб, ишлаб чиқариш маромини ой сайин яхшилашга эришмоқда. Айниқса, жамоа учун ўтган йил анча самарали бўлди. Қатор маҳсулотларни ишлаб чиқаришда барқарорлик таъминланиб, суръатни оширишга эришилди.

Маъданли ўғитлар учун асосий хом ашё ҳисобланган аммоний сулъфатини тайёрлашда ўсиш суръати 116,8 фоизни ташкил этди. Бунинг ҳисобига қўшимча минглаб тонна шундай кимёвий маҳсулот ишлаб чиқарилди ва буюртмачиларга юборилди. Жамоа янги йилнинг биринчи кунларидан ҳам суръатни ошириб ишламоқда.

Собир МАҲМУДОВ.

Республикамиз пойтахтидаги ўзбек — француз "Алта" қўшма корхонаси эркаклар учун мўлжалланган пойабзаллар ишлаб чиқаришни ой сайин кўпайтирмоқда. Ҳозирги вақтда корхона жамоаси 25 турдаги оёқ кийимларини тайёрлаб, савдо шахобчаларига етказиб бермоқда. Замонавий технология асосида тайёрланаётган пойабзаллар сифатли бўлиб, жаҳон мезонларига тўла жавоб беради.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

"АЁЛ ВА ЖАМИЯТ"

ЧИРЧИҚ шаҳрида вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва республикадаги ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларнинг "Аёл ва жамият" институти ҳамкорлигида "Демократик жамиятда хотин-қизларнинг сиёсий етакчилиги" мавзусида ҳудудий семинар бўлиб ўтди.

Семинарни "Аёл ва жамият" институти директори Н. Муравьева бошқарди.

Семинарда вилоят ҳокимининг муовини, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси С. Хўжаева сўзга чиқди.

Семинарда Чирчиқ шаҳар ҳокимининг муовини, хотин-қизлар қўмитасининг раиси М. Иброҳимова шаҳарда хотин-қизлар билан ишлашнинг аҳволи, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштироки ҳақида ахборот берди. Семинар иштирокчилари учун амалий ўйин-машғулотлар уюштирилди.

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БЕЛГИСИ

БЎКА тумани маркази маданият саройида Толибжон Содиқов номли нодавлат музикали халқаро хайрия жамғармаси, республика маънавият ва маърифат маркази ҳамда НСА компанияси ҳамкорлигида "Болалар кулгуси — келажакка ишонч белгиси" шиори остида ҳайрия тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, мактабларнинг ўқувчилари, отаоналар, "Нуроний" жамғармаси, кўзи ожизлар жамияти аъзолари иштирок этдилар.

Қатнашчиларга, айниқса, "Оловиддин" болалар шоуси, "Қалдирғоч" вокал гуруҳлари, "Солнишка" хореография жамоаси, "Гўзал" рақс гуруҳи, қўғирчоқ театри чиқишлари маъқул бўлди.

Нодир ИСАЕВ.

"ҲАҚИҚАТ"НИНГ ҲАҚИҚИЙ ЙЎЛИ

ЎРТАЧИРЧИҚ туманидаги "Ҳақиқат йўли" жамоа хўжалиги ўтган йили очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган эди.

Натижада ер ва мулк эгаси бўлган деҳқонларнинг ишлаб чиқаришдан манфаатдорлиги ошди. Хўжалик йилни ҳар гектар ердан 37 центнердан хирмон кўтариш билан якунлади. Пахта хомашёси сотишдан 135,9 миллион сўм даромад олинди. Соф фойда 5,6 миллион сўмга етди. Яқинда бўлиб ўтган ҳисобот йиғилишида ана шу рақамлар қайд этилди. Пайчилар, шунингдек, энг юқори ҳосил етиштириш ва сотишга эришган оилавий пудратчиларни мукофотлашга қарор қилинди. 16 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 39 центнердан пахта топширган Роҳатали Умаралиев хўжалик раиси Турдиали Усмоновнинг қўлидан ГАЗ—2410 "Волга" автомашинасининг калитини қабул қилиб олди. Умумий йиғилишда, шунингдек, юқори ҳосил олишга эришган ижарачилардан Адолат Тожибоева ва Эргаш Қурдошовларга бир бошдан сигир, саккиз ижарачига телевизор, ўн икки нафар ижарачига гилам, ўттиздан ортиқ пудратчиларга палос, магнитофон ва бошқа мукофотлар тақдим этилди.

"Ҳақиқат йўли" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти тўла пайчилик асосига ўтиб бўлди. Ҳозир акциялар чиқарилянти. Ерларни оилавий пудратчилар ўртасида тақсимлаш тугалланди.

Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ.

РЕЖАЛАРДАН — СУҲБАТЛАРГА

ВИЛОЯТ халқ таълими бошқармаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ мактаблар учун таълим соҳасидаги асосий тамойилларни ўзига олган режа ишлаб чиқиб, уни барча ўқув муассасаларига тавсия этган эди.

Ҳозир мазкур тадбирлар мажмуига кўра ўқитувчилар билан "Таълим ва тарбиянинг демократик руҳи", "Таълим тизимининг дунёвий қиёфаси", "Давлат таълим андозалари доирасида таълим олишнинг умумий очиқлиги", "Таълим дастурларини танлашга якка ва табақалаштирилган ёндошув" каби мавзуларда суҳбатлар ўтказилмоқда.

Бундай мулоқотлар муаллимларнинг малакасини ошириш билан бирга уларнинг амалий ишларига катта ёрдам бермоқда.

Саид ВАЛИЕВ.

БОЛАЖОНЛАР АРДОҚЛАНДИ

Яқинда "Камолот" жамғармаси бўлинмаси, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази Юқоричирчиқ тумани бўлимлари ташаббуси билан марказий кутубхонада "Меҳримиз сизга, болажонлар" номли тадбир ўтказилди.

Ушбу тадбирда болалар ва ўсмирлар ижодий уйи ҳамда 6, 34-ўрта мактаб ўқувчилари иштирок этишди.

Тадбирда хотин-қизлар қўмитаси раиси, туман ҳокими муовини Муборак Мирсалимова, "Маҳалла" хайрия жамғармаси бўлими раиси Иззат Султонова, марказий кутубхона директори Дилбар Абдукаримовалар сўзга чиқишди.

Мактаб бадиий ҳаваскорлари томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари, она-Ватан ҳақидаги шеър ва қўшиклар кечага файз бағишлади. Кеча сўнгида беш нафар ногирон болажонларга турли кийим-кечаклар ва совғалар топширилди.

Латифжон МАНСУРОВ.

1998 йил — Оила йили

СИЗНИ БАХТИЁР КЎРСАК, ДЕБ...

ШУ КУНЛАРДА шаҳар ва туманларда вилоят хотин-қизлар қўмитасининг ташаббуси билан "Оилам, давлатим, бахтим" дастури асосида юзма-юз суҳбатлар, амалий машғулотлар бўлиб ўтмоқда. Оила йили муносабати билан уюштирилаётган бундай тадбирларда ёшларни турмушга тайёрлаш, миллий урф-одатлар ва маънавиятни шакллантириш, аҳлоқий ва ҳуқуқий билимларни ўстириш каби ўнлаб масалаларда бахс-мунозаралар бўлиб ўтмоқда, иштирокчиларнинг таклиф ва мулоҳазалари ўрганилмоқда.

Мана шундай учрашувлардан бири яқинда Бекобод шаҳридаги тиббиёт ва шу тумандаги педагогика билим юртлари талабалари ҳузурида бўлиб ўтди. Унда вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси, вилоят ҳокимининг муовини Сайёра Хўжаева қатнашди.

Йиғилганлар оила ва жамиятда аёлларнинг тутган ўрни, айнан ҳозирги даврда уларни қийнаётган муаммолар хусусида ўз фикрларини очиқ баён этдилар. Бу муаммолардан бири — аёл ва саломатлик масаласидир. Бу ҳақда "8-Март" сиҳатгоҳининг бош шифокори Гулчеҳра Иброҳимова сўзга чиқди ва талаба қизларнинг барча саволларига жавоб қайтарди. Ижтимоий, ҳуқуқий мавзуларда, айниқса, муҳокамага қўйилган янги Оила кодекси бўйича кўплаб таклифлар, мулоҳазалар айтилди. Шу йўналишдаги саволларга С. Хўжаева батафсил жавоб берди. "Аёл олами" вилоят хотин-қизлар газетасининг бош муҳаррири К. Қамбарова газетанинг навбатдаги сони билан йиғилганларни таништирди.

* * *

"ОИЛАМ, давлатим, бахтим" мавзусидаги юзма-юз мулоқот Бўка туманидаги Ғаффор Азаматов номли жамоа хўжалигида ҳам ўтказилди. Мулоқот иштирокчилари мустақиллигимизни мустаҳкамлашда хотин-қизларнинг ўрни ниҳоятда катта эканлигини таъкидлаш билан бирга, жойларда бу борада йўл қўйилаётган айрим хато ва камчиликларни тезроқ бартараф этмай туриб, мақсадга эришиш қийин эканлигини таъкидладилар. Кўтарилган мавзу бўйича савол-жавоблар бўлиб ўтди.

— Хотин-қизларимизнинг, айниқса, оддий қишлоқ аёлларининг бугунги кундаги фаоллиги, юртимиз равнақи учун фойдали иш қилишга, фойдали сўз айтишга интилиши кишини қувонтиради, — деди вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси С. Хўжаева. — Биз барча учрашувларда айтилаётган таклиф-мулоҳазаларни, асосли танқидий фикрларни ўрганиб, улар асосида тегишли режа ишлаб чиқамиз. Баъзи муаммоларни эса ўша жойнинг ўзида ҳал этишга ҳаракат қилаяпмиз. Мақсадимиз — хотин-қизларимизнинг нафақат оиладаги, балки, жамиятдаги фаоллигини ошириш, маънавий-ҳуқуқий билимларини ўстиришга кўмаклашиш, умуман, уларни ҳаётда бахтиёр кўришдир.

Ҳа, бундай хайрли тадбирлар келгусида ўз самарасини бериши шак-шубҳасиз. Аммо, бунинг учун саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоғи, оила, аёл ва жамият мавзусидаги самимий мулоқотлар ҳар бир хонадонга, ҳар бир аёл қалбига кириб бормоғи лозим.

Зарифа ЭРАЛИЕВА.

"ЮТУҚЛАРИНГИЗДАН ХУРСАНДМИЗ"

Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси президенти, академик В. Видяпиннинг Тошкент иқтисодиёт университетида республика олий ўқув юртлари вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқи

Муҳтарам касбдошлар!

Илмий кенгашимиз Ўзбекистон Республикаси Президентига Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси фахрий доктори илмий даражасини бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Мен вакили бўлган таниқли олимлар делегацияси Ислом Абдуғаниевич Каримовга диплом, шунингдек, амалдаги анъаналарга мувофиқ академик мантияси, эсдалик медали ва академиянинг бошқа тимсолларини топшириш маросимида иштирок этиш бахтига муяссар бўлди.

Энди бундай қарор қабул қилиш сабабларини изоҳлаб беришимга рухсат этгайсиз. Бу қарор тасодифан қабул қилинган эмас. Президентингизга халқаро илмий доираларда катта нуфузга эга бўлган Россия иқтисодиёт академиясининг фахрий доктори деган юксак унвон мамлакатингизда амалга оширилаётган янгиланишлар туфайли берилди. Бу — Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва демократик ўзгаришларнинг ижобий натижалари Россия илмий жамоатчилиги томонидан тан олинганининг ва аввало бу ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишга ҳал қилувчи даражада ҳисса қўшган Президентингизнинг хизматлари эътироф этилганининг белгисидир.

Дунёда фахрий унвонлар жуда кўп. Ислом Абдуғаниевич доно, билимдон, кўп масалаларда ўз фикрига эга бўлган одам, юксак мукофотлари ҳам кўп бўлса керак. Унга Россия иқтисодиёт академияси дипломининг берилиши унинг меҳнатига ва мамлакатингизда амалга оширилаётган барча ўзгаришлардаги шахсий иштирокига берилган холисона баҳонинг ёрқин далилидир. Унинг меҳнати Россиядаги энг йирик илмий марказлардан бирида муносиб баҳоланганини қувончлидир.

Академиямиз ҳақида бир неча оғиз сўз айтмоқчиман. У 1907 йилда Россияда дастлабки тижорат институти сифатида ташкил этилган бўлиб, узоқ вақт давомида халқ хўжалиги, режалаштириш, иқтисодиёт соҳасида мутахассислар тайёрлаш билан шуғулланди ва айни пайтда тажриба ва билим тўплади. 1991 йилда институт иқтисодиёт академиясига айлантирилди ва у бозор тузилмаларини шакллантириш, бозор иқтисодиёти учун малакали кадрлар тайёрлаш билан яқиндан шуғуллана бошлади. Академияда Россияда биринчи бўлиб тижорат тузилмалари — Инкомбанк пайдо бўлди, қўшма корхоналар, кўп тармоқли биржалар ташкил этила бошлади. Уларни тузишдан мақсад иқтисодиётни ислоҳ қилишга кўмаклашадиган мутахассисларга муайян амалий кўникмаларни сингдиришдан иборат эди.

Бозор иқтисодиёти талабларини англаб етиш йўлида биз кўп нарсани, жумладан, ғарб мамлакатларидан ўргандик. Лекин ўтиш

(Давоми 2-бетда).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

“ЮТУҚЛАРИНГИЗДАН ХУРСАНДМИЗ”

(Давоми. Боши 1-бетда).

даври қийинчиликларига дуч келиб, кўпгина хатоларга ҳам йўл қўйдик, бозор — жиддий синов эканини англаб етдик. Тажрибанинг кўрсатишича, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги ҳамма мамлакатлар ҳам бозор иқтисодиётига ўтишга тайёр эмас экан. Айни шу сабабли республикангизда иқтисодиётни ислоҳ қилишга ва бозор муносабатларининг асосларини яратишга ёндашувнинг ўзига хос хусусиятларини баҳолай олдик. Бу ерда барча ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш, иқтисодиётни сиёсатдан устун қўйиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва тараққиётнинг Ўзбекистон моделини ишлаб чиқиш йўлига ўтилди. Бу йўл хориждаги жуда кўп мутахассислар томонидан ўрганилмоқда.

Ўзбекистон ялпи ички маҳсулот ҳақиқатдан ҳам кўпайиб бораётган, шу кўрсаткич бўйича ҳатто Россиядан ҳам ўзиб кетган ягона республика эканини таъкидлаш мен учун қувончлидир. Ўзбекистон ҳамдўстликдаги миллий кадрлар тайёрлаш, бозор салоҳияти мутахассисларини шакллантириш муаммолари муҳимлиги ва устиворлигини англаб етган бирдан-бир республикадир. Бу масалада Ўзбекистон мазкур муаммога жуда кам эътибор берилаётган Россия олий мактабини ортда қолдириб кетди. Россия Президентининг сўнгги фармонигина мамлакатда кадрлар сиёсатининг муҳимлигини, ниҳоят, англаб етишганини кўрсатди.

Республикангизнинг изчиллик билан ҳар томонлама ривожланаётгани бизнинг эътиборимизни жалб этмоқда. Ўтиш даврининг барча қийинчиликларига қарамай, Ўзбекистон тегишли ижтимоий руҳиятни сақлаб қолган ҳолда ривожланмоқда. Иқтисодиётни ривожлантириш муаммолари ислоҳотнинг ўзини эмас, балки айни инсон манфаатларини биринчи ўринга қўйгани муҳим жиҳатдир. Ўзбекистон ҳамдўстлик мамлакатлари орасида давлат бошқаруви дастакларини қўлдан чиқармай, бош ислоҳотчи вазифасини бажараётган ягона республикадир. Бозор шаклланишининг бутун жараёнини давлатнинг ўзи назорат қилиб турибди ва бунинг учун тегишли шарт-шароитни яратмоқда.

Ўзбекистон аниқ белгиланган мақсад сари изчиллик билан олға бормоқда. Республика тараққиёт модели ҳозирги вақтда ҳам Россия, ҳам хориж мутахассислари томонидан ўрганилаётгани халқингиз эришган муваффақиятлар муносиб равишда эътироф этилганидан далолатдир.

Ўзбекистонга келиб, ҳақиқий ютуқлар яққол кўзга ташланиб турганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Анча вақтдан буён диёрингизда бўлмаган одам сифатида мен учун барча муваффақиятларингиз ва ютуқларингиз яққол кўриниб турибди. Бу ютуқларингизни кўргач, менда ҳавас ва қувонч туйғулари пайдо бўлди. Шу билан бир вақтда Россияда бундай ютуқлар йўқлиги мени ранжитади. Сизлардаги ислоҳот жараёнларига ёндашувдан биз Россияда ҳам фойдаланишимиз мумкин эди. Иқтисодий, ижтимоий соҳада туб ислоҳотларни амалга оширишда Президент Ислом Каримовнинг хизмати ва ҳиссаси бебаҳодир. Унинг яқинда Москвада тақдим этилган “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китоби Россия илмий доираларида юқори баҳоланмоқда. Давлатингиз бошлиғига Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг фахрий унвони берилишида бу асарнинг аҳамияти катта бўлди. Россия иқтисодиёт академиясида 23 нафар фахрий доктор бор. Улар мутахассислиги ва маълумотидан қатъи назар, ўз мамлакатлари фуқаролари фаровонлигини оширишга, жамият тараққиётига катта ҳисса қўшмоқда. Улар орасида ҳаммага танилган ва жаҳон жамоатчилиги томонидан тан олинган тарихий шахслар ҳам бор. Сизнинг Президентингиз ҳам, шубҳасиз, ана шундай шахслардан биридир.

Давлатингиз бошлиғи билан учрашув чоғида биз Россия ҳамда Ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг тараққиёт йўллари тўғрисида Тошкентда иқтисодий мавзуда баҳс-мунозара ўтказиш ҳақида келишиб олдик. Бу учрашув жамият тараққиётининг энг долзарб муаммолари юзасидан фикр алмашиш, тўпланган тажрибани умумлаштириш, турли мамлакатларда вужудга келган тамойилларни тадқиқ этиш ва ўрганишга ёндашувни белгилаб олишда ёрдам беради.

Менга ва касбдошларимга биргаликдаги катта ишимиз учун сабаб бўлган салмоқли муваффақиятларингиз ва ютуқларингизни ўз кўзимиз билан кўриб, ишонч ҳосил қилишимизга имкон берган учрашувимиздан баҳад хурсандман. Биргаликдаги ишларимиз мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатларига хизмат қилади, деб умид қиламан.

ҲОЖИЛАР ХИЗМАТИДА

Республика Вазирлар Маҳкамасининг “Муборак Ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида”ги қарорига кўра Соғлиқни сақлаш вазирлигига зиёратчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда муборак сафар асносида уларга тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш вазифаси юклатилган.

— Айтиш жоизки, бу масалада вазирлигимизда муайян тажриба тўпланган, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Равшан Султонов. — Бу йил ҳам барча ишлар ана шу тажриба ва бугунги кун талаблари асосида амалга оширилмоқда. Аввалги йиллардагидан фарқли ўлароқ, бўлажак ҳожилар тиббий кўрикдан вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг марказий шифохоналарида 18 февралга қадар ўтказилади.

Тиббий кўрикдан ўтган зиёратчилар муборак сафарга кетишдан бир ҳафта олдин айрим юқумли хасталикларга қарши эмланади. Айни пайтда бўлажак ҳожиларимизга ҳамроҳлик қиладиган ходимларимиз 130 ҳилга яқин дори-дармон олиб кетади. Диёримиз мусулмонларига Ҳаж сафари давомида ўн нафар малакали тиббий ходим хизмат кўрсатади.

Беҳзод УСМОН,
ЎзА мухбири.

Ийди — Рамазон муборак!

Бутун ислом олами бугун энг улуғ ва муқаддас айёмлардан ҳисобланган ийди-Рамазон байрамини нишонламоқда. Хурсандчилик, мамнунлик, шукроналик, имон-эътиқодга собитлик онлари қандай фарахбахш!... Ушбу шодиёналик арафасида биз Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Шоазим МИНАВАРОВ билан мулоқотда бўлиб, Рамазон кунларининг шарофати, мамлакатимизда виждон эркинлиги тамойиллари, дин ва давлат муносабатлари, халқимиз ҳаётида руҳий аъмолларнинг ўрни масалалари хусусида суҳбатлашдик.

— Муҳтарам раис ноибларни, Сизни бугун бошланган ийди-Рамазон билан чин дилдан қутлаймиз. Ҳайит кунларига тўрт кўз тугал, омон-эсон етиб келганлигимиз учун Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган мусулмонлар ийди-Рамазонни қандай кутиб олганликлари хусусида гапириб берсангиз?

— Чиндан ҳам, Рамазон кунлари ва ҳайит айёми мусулмон оилалари ҳаётида ўзига хос ўринни эгаллайди. Республикамиз мустақиллигининг дастлабки палласидаёқ мамлакатимиз раҳбари томонидан Ийд ал Рамазон ҳамда Ийд ва Қурбон кунлари дам олиш кунлари қаторига киритилганлиги натижасида мусулмон биродарларимиз ушбу байрамларни ризолик, шукроналик ҳамда мамнунлик билан қаршилаш имкониятига эга бўлдилар. Бу эса, ўз навбатида мамлакат мақоми, жамият кайфияти, она Ватан равнақи, тинчлик ҳамда барқарорлик каби тушунчалар билан бевосита боғлиқдир.

— Бу йилги рўза муддати яхши ва солиҳ амаллар билан зийнатланди, десак, маҳоват бўлмас. Сизнингча, бундай тадбирлар сирасига кирадиган алоҳида муҳим воқеа нимадан иборат бўлди?

— Дарҳақиқат, мамлакатимизда рўза ойи давомида ҳар доим бўлганидек қатор яхши ишлар амалга оширилди. Шаҳарларимиз, туманларимиз, қишлоқларимиз, маҳаллалар қиёфасининг кундан-кунга ўзгача чирой очиб, гўзал қиёфага кириб бораётганлигининг ўзиёқ эътиборга молик бир ҳолдир. Сиёсий, ижтимоий, иқтисодий соҳаларда ҳам ютуқларимиз кўнгилдагидек бўлмоқда. Айниқса, баайни мана шу муқаддас кунларда Президентимиз 1998 йилни Оила йили деб эълон қилганликлари одамларга зўр қувонч бахш этди. Бу ташаббуснинг мазмун ва моҳияти ўта кенг ва терандир. Чунки, оила башарият ҳаётида беназир бир ҳидоятдир. Чунки, энг буюк қадриятлар, яхши инсонлар, покиза ниятлар, эзгу саъй-ҳаракатлар ана шу кичик жамоада таркиб топади. Давлатимиз раҳбарининг шунинг учун ҳам бугун мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва тотувлик, энг асл фазилатлар соҳиби бўлмиш халқимиз олижаноблигининг яна бир тасдиғи, Яратганимизнинг инъоми десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди” деган сўзлари айни айёмларимизнинг гултожисига ўхшайди, десак, янглашмаймиз.

— Байрам кунлари қандай солиҳ амаллар амалга оширилади?

— Бундай савобий ишлар анчагина. Хайитнинг дастлабки куни тонг отгач, ҳайит намози ўқилгунча фитр садақалари берилади. Ғусл қилиш, мисвоқ этиш яъни оғизни поклаш, озода либослар кийиш, ўзини хушбўйлантириш, намозгоҳга пиёда бориш ана шундай ҳаттиҳаракатларнинг айримларидир. Яхшиликлар ҳақида ўйлаш, эзгу дуолар қилиш, ота-она, ака-ука, опа-сингил, яқин қариндош-уруғлар, ҳешу-акраболар, қўни-қўшниларни зиёрат қилиш юксак инсоний фазилатлардир. Марҳумлар ёд этилади. Хасталар ҳолидан хабар олинади. Ҳар бир иймон-эътиқодли инсон ғамхўрлик, эътибор, ҳамдардлик, ширинсуханлик, иноқлик, орият, меҳр-оқибат оғушида яйрайди. Зеро, бундай руҳий покизалик ҳар бир бани-башарга беқиёс ҳузур-ҳаловат ато этади.

— Рамазон ойи кунларига оммавий ахборот воситалари қай даражада фаолият кўрсатди, деб ўйлайсиз.

— Ас-савм яъни рўзадорлик кунларида бизнинг қўмитамиз оммавий ахборот воситалари билан тиғиз мулоқотда бўлиб турди. Газета ва журналларда “Маърифатнома”, “Субҳидам”, “Ҳуқуқ сабоқлари” рукнлари остида берилган мақолалар кўпчиликда қониқиш уйғотди. Ойнаи жаҳон орқали намойиш этилган Миср Араб Республикаси матбуот шўъбасининг “Муҳаммадун-Расулуллоҳ” фильми, радио орқали эшиттирилган қатор суҳбатлар ислом тарихи, пайғамбаримиз шажараси, динни тўғри тушуниш илмларини ўрганишда маънавий озуқа бўлди. Жума, таровух намозлари пайтларида айтилган маърифий маърузалар одамларимиз қалбида она-Ватанимизга, ажойиб халқимиз ва унинг қадриятларига бўлган меҳр-муҳаббатни янада оширишга хизмат қилди.

— Бу улуғ кунда яна қандай истакларингиз бор?

— “Тошкент ҳақиқати” рўзномаси муштарийларини, улар орқали бутун вилоят аҳлини муборак байрам куни билан табриклаш менга мамнуният бағишлайди. Элимиз омон, ҳаётимиз фаровон бўлаверсин. Мамлакатимизнинг муҳтарам раҳбари ҳамда ҳукуматимиз шаънига эзгу тилаклар билдирамиз. Пок ниятларимизни Яратганнинг ўзи ижобат айласин!..

Суҳбатдош Раҳимберди УМАРОВ.

ДОРИ ЛОМОН АЙЁМ

МАНБАИ — ҚУЁШ

Республика почта ва телекоммуникациялар агентлигининг илмий-техникавий ва маркетинг тадқиқотлар маркази мутахассислари томонидан яратилган қуёш нури асосида ишловчи қурилма геологлар, фермерлар, чорвадорлар — шаҳар ва қишлоқлардан олисда меҳнат қиладиган барча кишилар учун ишда ҳам, ҳаётда ҳам катта наф келтиради. Қурилма истеъмолчига иссиқ ва совуқ сувни, шунингдек электр энергиясини тўхтовсиз етказиб бера олади.

Қурилмага қуёш энергиясини тўплайдиган аккумулятор ўрнатилган. Бу қурилманинг кечаси ҳам ишлашини таъминлайди. Янги гелиоппаратнинг мамлакатимиз ва хорижда тайёрланган мавжуд қурилмалардан бир қанча устунлиги бор. У анча тежамли, ишончли ва қуёш энергиясидан фойдаланиш самарадорлигининг юқорилиги билан фарқ қилади.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

БИНОКОР! Шу биргина сўзнинг олам-олам маъноси ва мазмуни бор. Бу касб эгаларининг ақл-заковати ва қадоқ қўллари билан чўллар гулистонга айланади, шаҳарлар бунёд этилади. Уларнинг яратувчанлик меҳнати мевалари бўлган иншоотлар ва бинолар асрлар давомида халқимизга хизмат қилади, унинг фаровонлигини оширишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам бизда бинокорлар ардоқланади, ҳурмат-эътиборга сазовордир. Ушбу суратда теран кўзлари билан боқиб турган юзида ўз касби билан ғурурланиш ҳисси барқ уриб турган Бахтиёр Исмоилов ҳам бу касб шуҳратини ўн беш йилдан бери ошириб келмоқда. У “Тошкентчетэлқурилиш” трести 39-қурилиш бошқармасининг етакчи монтажчилардан бири ҳисобланади.

Тўлқин КАРИМОВ олган сурат.

МЕҲНАТ, МАНФААТДОРЛИК, КАЙФИЯТ

Мана шу уч омилга алоҳида эътибор берилаётган Тошкент туманидаги Абдураҳмонов номли боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган хўжаликда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ўзига хос йўлдан борилмоқда

ОДАМНИНГ ўз ҳаёти, турмушидан мамнун ёки мамнун эмаслигини унинг кўриниши, гап-сўзидан билиб олса бўлади. Тошкент туманидаги Абдураҳмонов номли жамоа хўжалиги ҳисобот йиғилишида бўлиб, раиснинг ҳисобот маърузаси, деҳқонларнинг музокарада билдирган фикрларини эшитиб, уларнинг мамнунликларини ҳис қилдим.

Бу мамнунлик мажлис қатнашчиларининг айниқса, йиғилиш охирида турли хил қимматбаҳо совғалар билан мукофотланган илғорлар, фахрийларнинг юз-кўзларида шундоққина зоҳир бўлиб турарди.

...Раис ҳисоб берди. Рақамларни тилга олди. Камчиликлар, муаммоларни ҳам айтди. Режалари билан ўртоқлашди. Сўзга чиққанлар тўлдиришди.

Лекин залда ўтирганлардан бири сўз сўраб, отилиб минбарга чиқди. У ҳаяжон билан хўжаликка мутлақо алоқаси бўлмаган камчиликни айтди. (Афтидан у одамларни қўзғамоқчи эди).

Лекин залда ўтирганлар кетма-кет лўмма ташлашди.

— Ўзингиз хўжаликда ишлайсизми?

— Йўқ. Ўғлим ишлайди.

— Ундай бўлса ўғлингиз гапирсин...

Мен бундан шуни англадимки, деҳқонлар хўжалик бошқарувининг ислоҳотларни яна ҳам чуқурлаштириш, моддий бойликларни кўпайтириш соҳасида олиб бораётган ишлари, тажрибаларини таҳлил этиш, бойитишга ёрдам берадиган фикр ва мулоҳазалар айтилишини афзал кўрмоқда эдилар.

Бундай фикрлар, тажрибалар хўжаликнинг етакчилари, тажрибакорлари дала ва боғларнинг саркорлари бўлган деҳқонларнинг ҳақиқий “пирлари” бўлмиш саховатли инсонларда бор эди. Улар кимлар?

Пайшан Эшонқулов, ёши 72 дан ошган деҳқон.

— Бу отахоннинг асосий фазилати нимада? —сўраймиз жамоа хўжалиги раиси Абдураҳим ака Абдураҳмоновдан.

— Ниҳоятда камтар, камсуқум одам. Боқимандани ўлгудай ёмон кўради. Яратганнинг ўзи етти мучалингни соғ қилиб, ақл-хуш бериб қўйибдими, ишла, қўлингдан келганича меҳнат қил, дейди у. Пайшан аканинг ўзи бунга қатъий амал қилади. Ҳеч ким у кишининг бирон марта раҳбарларнинг олдига ёрдам сўраб келганини билмайди. Фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялаган.

Улуғбек Қосимов. Қирчиллама ёшда. Илм билан тажрибани омухта қилиб олиб боради. Боғдорчиликда икки омил ҳал этади. Биринчиси — қайчи. Мевали дарахтларга шакл беришни фақат уста боғбонларга топшириш керак. Акс ҳолда ҳосил қиладиган шохини кесиб, ҳосил қилмайдиганларини қолдиришлари мумкин. Иннайкейин, шуни

ҚИШЛОҚ ВА ИСЛОҲОТ

билингки, айримлар ўйлагандек қишда дарахт бутунлай уйқуга кирмайди. Унинг илдизи ҳамиша ишлаб туради. Шунинг учун ерни кузда чуқур қилиб ҳайдаб, мевали дарахтларнинг қатор орасига мўлжалдаги ўғит солиб қўйган бўлса, марра ўша боғбонники. Яна бир гап. Уруғли мева дарахтларига қишда ҳам шакл берса бўлаверади. Баҳорда иш камаяди.

Ҳошим Ҳакимов. Ишни уйқусида босмаса кўнгли тинчимайди. Лекин иш қуролларини уч ўғлига топшириб, нафақага чиққанига тўрт йил бўлди. Барибир фарзандларига раҳнамолик қиляпти.

Раҳмонберди Каттабоев. Деҳқончиликнинг сир-синоатларини ипидан игнасигача билади. Савол-жавобда манаман деган олимларни ҳам лол қолдириши мумкин.

Хўжаликда бундай тажрибакорлар ва уларнинг шогирдлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Улардан бири Дилшод Набиев. У бошлиқ бригада пудратчилари ўтган йили 30 гектар токзордан хўжаликка 10 миллион сўм даромад келтирдилар. Деҳқонлар йиғилишида ана шу сингари миришкор ва тажрибакорларнинг иш усулларини пухта ўрганиб, кенг оммалаштириш ва ана шу асосда мевали боғлар ва узумзорларнинг ҳосилдорлигини яна ҳам оширишга келишиб олдилар. Ана шунда боғлардан ҳозирдагидек ўртача 5 тоннадан эмас, 8—10 тоннадан, токзорлардан 250-300 центнердан ҳосил олиш мумкин. Чунки бой берилаётган имкониятлар бор. Шароити, нави, ери, суви бир хил бўла туриб, айрим жамоалар ва пудратчилар мевадан бор-йўғи 3 тоннадан ҳосил олмоқдалар. Узумчиликда ҳам ҳосилдорликни кескин ошириш учун ҳали кўп иш қилиш керак. Табиийки, ана шунда даромад яна ҳам ортади, одамлар яна ҳам бойийдилар. Ободончилик ишлари яна ҳам авж олади.

Дарҳақиқат, ўтган қисқа вақт ичида хўжалик бошқаруви қишлоқ аҳлининг ташаббусига таяниб, уларнинг кўнгилларига йўл топиб, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлларини қидирди ва ҳавас қилса арзигудек ишларни амалга оширди.

Энг биринчи навбатда сув муаммоси ҳал этилди. Чунки айрим бригадаларга авжи ёз чилласида сув етиб бормасди. Шу туфайли ҳосилдорлик яхши бўлмасди. Чунки Қирариқ канали лойқаланиб қолган. Жуда кўпдан буён тозаланмасди. Бошқарув халққа мурожаат қилди. Уларни эзгу ишга даъват этди. Ҳашар уюштирилди. 450 хонадон ёпирилиб, хашарга отланди. 4,5 километрлик канал жуда қисқа вақтда тозаланиб олинди. Бошқарув боғдорчиликка оид бошқа муаммоларни ҳам баҳоли қудрат ҳал этиш учун қўлдан келган ҳаракатни қилди. Муҳими, бир неча йиллардан буён газ келтириш муаммо бўлиб келаётган чекка ҳудудга газ келтирилди. Ичимлик сув таъминоти ҳам анча дуруст йўлга қўйилди. Сир эмас, бир вақтлар бошқа жамоаларда ҳам шундай бўлган. Пудратчи, ижарачи билан тузилган шартнома пухта ўйланмай, хўжакўрсин учун қоғозга туширилган. Ҳатто, унинг мазмунидан, шартларидан пудратчи деҳқон хабарсиз ҳам қолаверган.

Бу ҳолат ишнинг ташкил этилишига салбий таъсир этган. Пудратдан деҳқоннинг ҳафсаласини пир қилган. Янги бошқарув шартномани ҳар икки томоннинг тенг манфаатдорлигини ҳисобга олиб, ишлаб чиқди. Деҳқонларни унинг мазмуни билан таништирди ва пудратчилар “Бизга маъқул, энди астойдил ишласак бўларкин”, деб қўл қўйишди. Ҳар икки томон ҳам ўз лабзида турганлиги ва тураётганлиги учун ишлар юришгандан юришиб кетди.

Деҳқонлар бойиб бормоқдалар. Буни жамоа хўжалиги кассасидан пул олиб чиқаётганлар билан суҳбатлашганимизда ҳам билиб олдик. Айримлар йиллик ҳисоб-китоб ва пировард натижага кўра 150-180, 200—250 минг сўм пуллик бўлишди. Орзу-ҳавасларимизга ишлатамиз, уй-жойимизни яна ҳам яхшилаб оламиз, ўғлимизни уйлантирамиз, қизимизни чиқарамиз, дейишди улар.

Булар одамларнинг онги, дунёқараши ўзгариб бораётганлигидан, ўзларини ернинг ҳақиқий эгалари деб ҳисоблай бошлаганларидан, меҳнатга муносабатлари бутунлай янгича бўлаётганлигидан, келажакка катта умид ва ишонч билан бораётганлигидан далолат эди.

— Бу йил 8 миллион сўм соф фойда олишни мўлжаллаяпмиз, — дейди раис. — Бунинг учун асос бор. Ўзимизда етиштирилган узумни қайта ишлаб қўйганмиз. 400 тонна мусалласимиз бор. Унинг ҳар литрини келишилган нархда камида 45—50 сўмдан сотамиз. Бошқа даромад манбаларимиз ҳам йўқ эмас.

Лекин замон ўзгариб, одамларнинг талаб-эҳтиёжи ўсиб бормоқда. Бу деганимизки, биз озми-кўпми эришган бу ютуқларимизга сира маҳлиё бўлмаслигимиз, эртани, индинни ўйлашимиз, ўз ишимизни ҳар кун, ҳар дақиқа таҳлил этиб боришимиз керак. Чунки муаммолар бор. Уларни кўпайтирмасдан ҳал қилишимиз керак. Масалан, токзорлар учун сим бағазлар етишмайди. Бетон устунлар ишдан чиқиб, камайиб қолди. Симбағазни-ку ўзимиз ишлаб чиқара олмаймиз, лекин бетон устунларни шу ернинг ўзида тайёрламоқчимиз.

Ҳосилдорликни оширишда мева ва узум навлари катта аҳамиятга эга. Аммо четдан олинадиган кўчатга ҳамма вақт ишониб бўлмайди. Шунинг учун ток кўчатини тайёрлашни бир қадар йўлга қўйиб олдик. Мевали кўчатларни ҳам ўзимизда етиштириш режамиз йўқ эмас.

Раис хўжаликнинг иқтисодини кўтариш, қишлоқни янада обод қилиб, одамларнинг турмуш шароитини ҳар жиҳатдан яхшилашга оид бир қатор режаларни айтди. У бу гапларни ўзининг имконияти, салоҳиятига эмас, кўпроқ деҳқонларнинг, қишлоқ меҳнаткашларининг ёрдами, мададига астойдил ишониб айтаётган эди.

Бундай одамларнинг кўнглига йўл топган, уларнинг ишончини қозонган раҳбарнинг иши ўнгидан келишига шубҳа қилмаса бўлади.

Носир РИХСИЕВ,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

Воқеалар тўлқинида

● РФ ДАВЛАТ ДУМАСИНИНГ раиси С. Селезнев Тожикистонга ташриф буюрди. У Душанбеда Тожикистон президенти И. Раҳмонов, Олий Кенгаш палатаси раҳбари С. Ражабов ва бошқа давлат арбоблари билан учрашди. Мулоқот чоғида мамлакатдаги сиёсий, ижтимоий вазият ҳамда Россия билан Тожикистон ўртасидаги муносабатларга доир масалалар ўртага ташланди.

● БОЛГАРИЯ ҳукумати ўзининг табиий газга бўлган мустақиллигини қарор топтириш мақсадида яқин орада Туркия ва Туркманистон давлатлари билан музокаралар олиб бориш ниятида эканлигини маълум қилди.

● ФАЛАСТИН мухторияти раҳбари Ё. Арофат Фаластин—Исроил тинчлик жараёнини муҳокама этиш мақсадида зудлик билан араб давлатлари бошлиқлари учрашувини чиқаришга даъват этди.

● ГРУЗИЯ Республикаси президенти Эдуард Шеварднадзе 70 ёшга тўлди. У ўзининг таваллуд топган кунлари "киндик қони тўкилган маскан" — ғарбий минтақадаги Цинандали қўрғонига қадам ранжида қилди.

● ЖАМИЯТШУНОСЛАР 17 йилдан сўнг Қозоғистонда 10 миллиондан зиёд ерлик аҳоли ва 3,5 миллион нафар бошқа миллат вакилларининг истиқомат қилиши мумкинлигини эълон қилдилар. Айни пайтда қозоқларнинг бошқа жойдан кўчиб келган муҳожирларга нисбатан мутаносиблиги 50 фоиздан ортиқ бўлиб турипти.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО — МУҚАРРАР

ИККИНЧИ жаҳон урушининг ниҳоясига етганига ҳам 50 йилдан ошди. Муҳорибалар охирида Нюренберг суди бўлиб, унда фашизмнинг энг ашаддий тарафдорлари бўлган раҳбарлар олий жазога маҳкум этилган эдилар. Лекин, ҳали-ҳанузгача жаҳон афкор оммаси ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари умум инсониятга қарши жиноятда айбланган юзлаб гитлерчиларнинг жазоланишини талаб қилмоқдалар. Айни кунларда бу жараён тобора қизғин тус олмоқда. Олмония Федератив Республикасида айни кунларда 25 нафар мутахассислардан иборат "Миллий-социалистик жиноятларни тергаш маркази" ишлаб турипти. Унинг бош прокурор мақомидаги раҳбари Вилли Дрессен яқинда қадимий ҳужжатларнинг синчиклаб ўрганилаётгани, турли манбалардан янги-янги маълумотлар олинаётгани, қатор ишларни суд идораларига топширишга ҳозирлик кўрилаётгани ҳақида ахборот берди. Кейинги йилларда, жумладан, 1942—1943 йилларда Украинада кўплаб болалар қатлига дахлдор нацистлар жазоланганлигини хабар қилди. 37 иш прокуратура ҳамда суд идораларида кўриб чиқилмоқда. 25 киши устидан терговлар охирига етказилди.

Хўш, ҳозир иккинчи жаҳон урушидан сўнг неча нафар юқори мартабали одамлар таъқиб қилинмоқда, Айтишларича, уларнинг сони 100 мингдан ошади. Лекин, уларни тутиш ва адолат ҳукмига ҳавола этиш осон бўлмаётир. Баъзан йиллаб бир иш устида бош қотиришга тўғри келмоқда. Масалан, ААхен шаҳрида олмоншунос профессор Ганс Шверт хибсга олинди. Унинг сири барибир фош бўлди. Профессор аслида ССнинг гауптштурмфюрери Ганс Шнайдер бўлиб чиқди. ССнинг бошқа гауптштурмфюрери Ариберт Хайм 1962 йилдан бери қочиб юрибди. У Маутхаузен концлагерида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ваҳшиёна тажрибалар ўтказишда айбланади. Аммо, у урушдан кейинги йилларда ўзини маҳфийликда сақлади. Манхайм шаҳрида гинеколог бўлиб ишлади. Қочиб кетгач, Мисрда полиция шифокори бўлиб юрганлиги ҳақида маълумотлар олинди. Аммо, у ҳанузгача қўлга тушгани йўқ. Гитлерчи партиянинг минтақавий ташкилоти раҳбари Герхард Тилс Альтмарк-Роттлеберот ҳудудидаги қамоқхонада 1016 нафар маҳбусни қийнаб ўлдирган. У одамларни бензин қуйиб, ёқиб юборишдан ҳузур қилган.

Тергов марказида айни пайтда 100 мингдан ортиқ папкалар кунба-кун ҳужжатларга тўлдирилмоқда. Соф виждонли адлиячилар алал-оқибат ҳақиқат ғалаба қозониши керак, деб ҳисобламоқдалар. Зотан, жиноятга жазо муқаррардир.

САРСОН-САРГАРДОНЛИКДА

РФ СОҒЛИҚНИ сақлаш вазирлигининг суд-тиббий-таҳлил республика маркази "подшо оиласи қолдиқлари" бўйича якуний хулосани ҳукумат комиссиясига жўнатди. Бу ишни олиб борган РФ прокуратураси ходими Қ. Соловьевнинг гапларига қараганда, ҳужжатлар 750 саҳифани ташкил этади. Текширишлар қолдиқлар чиндан ҳам Николай II, унинг рафиқаси Александра Федоровна, императорнинг уч қизи, доктор А. Боткин, оқсоч В. Демидова, ошпаз С. Харитонов ҳамда хизматкор В. Труппларга тегишли эканлигини тасдиқлади. Ҳукумат комиссиясининг мажлиси бугун бош вазирнинг биринчи ўринбосари Б. Немцов раҳбарлигида ўтади. Подшо оиласининг дафн манзилгоҳи масаласини, кўринишдан президент ҳал этса керак.

КОИНОТДА... ИШКАЛЛИК

ЯҚИНДА Американанинг "Индевор" фазовий кемаси учирилганлиги ва унинг "Мир" доимий станцияси билан туташтирилганлиги ҳақидаги хабарни ҳамма эшитди. Бироқ... Фазога учган гуруҳ таркибида бўлган америка астронавти Эндрю Томас кутилмаганда ҳайрон бўлиб қолди. Чунки, ўлчаб тикилган махсус скафандр унинг баданига жуда тор келди. Нима қилиш керак? Кемалар учириш марказидагилар ўйлаб-ўйлаб, охири ноилож бир қарорга келдилар. 31 январь куни ерга қайтиб тушиши мўлжалланаётган аввалги астронавт Дэвид Вульф скафандри Эндрюга қолдирилади. Бу воқеадан хабар топган Москва яқинидаги "Звезда" корхонасининг ходимлари ёқа ушлаб қолдилар. Чунки, скафандрни ўшалар тиккан эдилар.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

● АҚШнинг энг катта ҳарбий маҳкамаси — Пентагонда тарихда биринчи марта ифторлик маросими ўтказилди. Энг аввало муаъзин, капелланликка номзод, асли суриялик Абдулло Халва азон айтди. Сўнгра ислом динига мансуб зобит ва аскарлар катта дастурхон атрофида тўпландилар. АҚШ Мудофаа вазири ўринбосари Жон Хэмри йиғилганларни рамазон байрами билан табриклади.

● ФОРС кўрфазида сузиб юрган Американинг "Нимиц" ва "Жорж Вашингтон" тайёра олиб юрувчи кемалари ёнига Англиянинг "Инвинсбил" кемаси қўшилди. Улар, мабодо, Ироққа қуролли зарба берилса, қандай ҳаракат қилиш лозимлиги юзасидан машқлар ўтказмоқдалар.

● МАЛЬТА Ўрта Ер денгизидаги субтропик ороллардан бири. Бу ерда баъзилар қорнинг нималигини, ҳатто, билишмайди ҳам. Бироқ, сўнгги кунларда Мальта қалин қор остида қолди. Бу табиат ҳазили 60 йилдан сўнг такрорланибди.

● МИСРДА Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) дафн этилган жойни қидириш давом этмоқда.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 Лирик тароналар.
8.45 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 8-қисм.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Оила». Тележурнал.
10.40 «Кино янгиликлари».
10.55 «Телевикторина».
11.05 «Бу ҳам кино». Сериал.
12.15 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.40 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
13.10 А. Қодирий. «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 1-қисм.
14.05 — 14.35 «Қизиқчи билан учрашув». Ҳожибой Тожибоев.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Олам ва одам».
18.30 «Ғаройиб парвоз». Янги йил арафасидаги саргузаштли видеофильм. 1-қисм.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.05 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ойдаги доғлар».
21.40 «Кўзларингни яширма». Ш. Қаюмов.
22.10 «Ўзбектелефильм» премьераси. А. Қодирий. «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 2-қисм.
22.55 «Она бўла қолгин менга, табиат».
23.05 «Ахборот».
23.30 — 23.35 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мульт-тўплам.
18.35 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесериал.
18.55 Мулоҳаза учун мавзу.
19.10 «Эгиз қўшиқлар».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Санта-Барбара». Телесериал.
21.50 «Камолот». Ёшлар учун дастур.
22.10 «Кундалик» (рус тилида).
22.30 «Олтин мерос».
22.40 «Даракчи» (рус тилида).
22.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.00 «Ёш Индиана Джонс хроникаси». Телесериал.
23.50 — 23.55 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

18.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
18.20—21.35

*

21.35 «Кругозор». Тележурнал.

*

Россия давлат телевидениеси
22.00—22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Плюшихадаги уч терак». Бадиий фильм.
23.50—00.10 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мульттомоша».
19.00, 21.05 Эълонлар.
19.05 «Оқибат». Телесериал.
19.45 «Умр баҳори».
20.00 Мусиқали танаффус.
20.05 «Жаҳон».
20.25 «Намастэ».
20.45 «Қўшиқ умри пойиндор».
21.10 Кинематограф. «Қайнона».
22.30 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
22.50 «Спорт-тайм».
23.20—23.30 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм 9-қисм.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Табииёт.
11.00 Инглиз тили.
11.30 География.
12.00 Биржа ва банк хабарлари.
12.15 Болалар учун. «Сеҳрли оҳанглар».
12.35 «Олам ва одам».
12.55 «Талаба ва спорт».
13.15 — 14.00 А. Қодирий. «Мехробдан чаён». Видеофильм. 2-қисм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ғаройиб парвоз». Янги йил арафасидаги саргузаштли видеофильм. 2-қисм.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Акция ва акциядор».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Тўртинчи ҳокимият».
21.25 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
22.05 «Ўзбектелефильм» премьераси. А. Қодирий. «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 3-қисм.
22.50 «Тафаккур ва тақдир».
23.10 «Европа таассуротлари».
23.25 «Ахборот».
23.50 — 23.55 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош» Мульт-тўплам.
18.35 «Еввойи ҳайвонот олами».
19.00 «Очун».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Тарозу».
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Болливудга нигоҳ».
21.20 «Спорт қитъаси».
21.50 «Даракчи».
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 Кинонигоҳ. Курт Рассел «Авария» фильмида.
24.00 — 00.05 «Тунингиз хайрли бўлсин!»

III

18.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
7.30—9.00

* * *

18.20—21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00—22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Катта талант соҳиби». Бадиий фильм (Олмония).
23.50—00.10 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 21.30 Эълонлар.
19.10 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
19.55 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.10 Мусиқий дақиқалар.
20.15 Солиқ ҳақида сабоқлар.
20.30 «Ўйингоҳ».
20.50 «ТВ-IV да немис тўлқини».
21.10 «Хит-коллекция».
21.35 «Кувноқ кино».
23.05 Телефакт.
23.15 «Дурдаршан».
23.45—23.55 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 4

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 10-қисм.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Зоология.
11.00 Давлат ва ҳуқуқ асослари.

*

11.30 «Аср сўнгида». Бадиий-публицистик кўрсатув.
11.50 «Қишлоқ стадионларида».
12.10 «Излаган имкон топади».
12.30 «Ўзбектелефильм» премьераси. «Тошлар тилга кирганда».
12.40 «Ватан, мадҳингни куйлайман». Мусиқий дастур.
13.15 А. Қодирий. «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 3-қисм.
14.05 — 14.35 «Омад юлдузи». Телеўйин.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ғаройиб парвоз». Янги йил арафасидаги саргузаштли видеофильм. 3-қисм.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ранглар жилоси». Камолиддин Беҳзод.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Юрак кенгликларида». И. Бўронов.
22.00 «Ўзбектелефильм» премьераси. А. Қодирий. «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 4-қисм.
22.45 «Битик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.05 «Муҳаббат тилсими». Бадиий фильм.
00.25 «Ахборот».
00.50 — 00.55 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 Жаҳон халқлари эртаклари.
18.40 «ХХ аср жиноятлари». Телесериал.
19.10 «Авлод».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Толеъномо».
20.15 «Нафис мажлислар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Жозиба».
21.10 «Хонадон».
21.30 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.15 «Даракчи» (рус тилида).
22.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.35 «Кинонигоҳ».
24.00 — 00.05 «Тунингиз хайрли бўлсин!»

III

18.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
7.30—9.00

* * *

18.20—21.35

*

21.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00—22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Анаев йигитлари». Телефильм.
22.55 «Ўта жиддий». Бадиий фильм.
00.05—00.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мулттомоша».
19.05, 21.15 Эълонлар.
19.10 «Оқибат». Телесериал.
19.50 «Дунё ва болалар».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Ҳуқуқ ва бурч».
20.30 «Автосалтанат».
20.40 «Хаёт карвони».
21.00 «Оҳанглар оғушида».
21.20 «Олтин хазина». Х. Х. Ниёзий. «Майсаранинг иши». А. Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театрининг спектакли. 23.00—23.10 «Хайрли тун!»

ПАЙШАНБА, 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Оиламиз оҳанглари». Мусиқий дастур.
9.10 «Иқтисодиёт чорраҳа-ларида».
9.30 «Гўзаллик оламида». Телефильм.
9.40 «Моҳиятни англаш: Давр ва таълим».
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Бокира туйғулар».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Ботаника.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Умумий биология.

*

12.00 Болалар учун. «Қизиқарли учрашувлар».
12.35 «Битик». Бадиий-публицистик



кўрсатув.
12.55 «Оламни асранг!».
13.15 А. Қодирий. «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 4-қисм.
14.05 — 15.05 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Қўнғироқча».
18.30 «Ҳидоят сари».
18.55 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 22.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Бевосита мулоқот».
21.45 «Қўшиқ-ла ҳаёт гўзал». Мусиқий дастур.
22.25 «Ўзбектелефильм» премьераси. А. Қодирий. «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 5-қисм.
23.10 «Инсон ва қонун».
23.30 «Навоийхонлик».
23.35 «Қиёфа».
24.00 «Ахборот».
00.25 — 00.30 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Болалар дунёси».
9.15 «Турфа олам».
9.40 «Нафосат».
9.50 «Кенгга — кенг дунё».
10.05 Жаҳон халқлари эстрадаси.
10.15 Қалб таронаси.
10.40 Видео — «О».

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Аралаш-қуралаш». Болалар учун дастур.
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Катта танаффус». Телеўйин.
19.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бир жуфт қўшиқ».
20.05 «Сир».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мутойиба».
21.30 «Иймон».
21.55 «Даракчи».
22.05 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.15 Кино жавонидан.
23.45 — 23.50 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

18.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
7.30—9.00

* * *

18.20—21.35

*

21.35 «Муваффақият». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00—22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 Ҳинд фильми ишқибозларига: «Жаннат». 1-серия.
23.45—00.05 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мульттомоша».
19.00, 21.35 Эълонлар.
19.05 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
19.50 «02» тўлқинида.
20.05 «Ракурс».
20.35 «Ҳамшаҳарлар».
20.55 «Интерспорт».
21.15 Мусиқий Олимп.
21.40 Киносалон.
23.10 «7 дан 70 гача».
23.35 «Дурдаршан».
00.05—00.15 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 6

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Қўшиқ — маънавият кўзгуси». Мусиқий дастур.
9.00 «Юзма-юз».
9.20 «Мураббий». Спорт дастури.
9.35 «Аждодларимиз мероси».
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Ҳикматлар хазинаси».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Немис тили.

*

11.30 «Қиёфа».
11.55 «Рақс алифбоси».
12.15 «Меҳр макони».
12.35 «Бор экан-да, йўқ экан». Телефильм.
12.45 «Халқ ижодиёти».
13.15 А. Қодирий. «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 5-қисм.
14.05 — 15.05 «Сайқал». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Умид учқунлари». Тележурнал.
18.35 «Теннис клуби».
18.50 «Ўзбекистон қаҳра-монлари».
19.05 Шарқ тароналари.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Тафсилот».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 Санъат усталарининг концерти.
22.05 «Ўзбектелефильм» премьераси. А. Қодирий. «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 6-қисм.
22.50 «Сеҳрли шуъла».
23.10 «Ахборот».

«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури.

23.35 «Олам».
23.55 «Бахлул доно». Бадиий фильм.
01.25 — 01.30 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Аралаш-қуралаш». Болалар учун дастур.
9.15 «Катта танаффус».
9.40 «Бир жуфт қўшиқ».
9.50 «Сир».
10.10 «Мутойиба».
10.40 «Иймон».
11.10 «Кино жавонидан».

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бор экан-да, йўқ экан...»
18.25 «Нозик мўъжиза».
18.35 «ХХ асрнинг улуғ жумбоқлари». Телесериал.
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Сизлардан ишорат».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ривоят».
21.15 «Яхши дам олинг».
21.25 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.10 «Газал соғинчи».
22.30 «Даракчи».
22.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.50 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
00.25 — 00.30 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

18.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
7.30—9.00

* * *

18.20 — 21.35

*

21.35 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00—22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Жаннат». Бадиий фильм. 2-серия.
23.55—00.15 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мульттомоша».
19.00, 21.15 Эълонлар.
19.05 «Оқибат». Телесериал.
19.50 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.10 Наволарда аён этсам.
20.30 Мардон йигитлар.
20.45 «Араб эстрадаси».
21.20 Кинематограф. «Сабр косаси».
22.45 Жума куни ишдан сўнг.
23.10—23.20 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 7

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Шоҳруҳ клуби».
9.20 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
9.40 «Парвоздаги турна». Бадиий фильм.

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

11.05 «Севгим, севгилим».
11.25 «Идрок».
11.45 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».

*

12.25 Футбол майдонларида.
12.45 «Саболарда аён этсам». Мусиқий дастур.
13.15 А. Қодирий. «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 6-қисм.
14.00 «Туркий қавмлар». Калтатой.
14.15 — 14.45 «Цирк, цирк, цирк».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Шоирлар — болаларга».
18.30 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.00 «Ҳайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Омонлик тилаймиз».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.25 «Ҳамма кўриши шарт ... эмас».
22.25 «Ўзбектелефильм» премьераси. А. Қодирий. «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 7-қисм.
23.10 «Жаҳон спорти».

«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.

23.20 «Мусиқий саёҳат».
23.40 «Боржиа узуги». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

II

9.00 «Бор экан-у, йўқ экан».
9.10 Нозик мўъжиза.
9.20 «ХХ асрнинг улуғ жумбоқлари». Телесериал.
9.50 «Сизлардан ишорат».
10.20 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
11.50 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.10 «Ривоят».
12.25 «Яхши дам олинг».
12.35 «Газал соғинчи».
12.55 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
13.40 «Джонни Квест саргузаштлари». Мультфильм.

* * *

14.00 Кўрсатувлар дастури.
14.05 Эгиз қўшиқлар.
14.25 «Таурас кучга кирганда». Телесериал (Австралия).
15.15 «Спорт қитъаси».
15.45 «Онагинам».
16.05 «Спорт қитъаси».
16.35 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал (АҚШ).
17.25 «Мусиқий йўлка».
17.40 «Ёрилтош».
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Сувости дунёсига саёҳат».
18.50 «Глобус».
19.00 «Қонун ҳимоясида».
19.10 «Жозиба».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Дилбарим».
20.30 «Ахборот».
21.00 «ТВ ва театр».
21.20 «Даллас». Телесериал.
22.10 «Даракчи».
22.20 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
22.50 «Интер-футбол».
23.10 Мусиқа ва Эълонлар.
23.20 Киноклассика. «Сўнгги император».
01.00 — 01.05 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

18.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.

18.55—00.30

*

00.30 Эълонлар.
00.35—01.00 «Мўъжизакор гўзаллик сири». Телефильм.

IV

10.00 «Спектаклдан сўнг».
10.20 Эълонлар.
10.25 Биргаликда куйлайлик.
11.10 «Чинсён».
11.40 Шанба эртаги.
12.50—13.20 «Кросс-Родус» кафесига хуш келибсиз». («Америкага бир назар» кўрсатувига илова: инглиз тили — ҳамма учун).

***

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мульттомоша».
19.00, 21.55 Эълонлар.
19.05 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
19.50 «Шанба оқшомида».
20.00 Далил ва шарҳ.
20.15 Авторейд.
20.25 «Рақслар қанотида».
20.50 Ассалом, Франция!
21.15 Эсдалик учун дастхат.
21.35 «Хит-коллекция».
22.00 Киносалон.
23.40 Спорт-марказ.
00.25 «Бу ажиб дунё».
00.40 —00.50 «Хайрли тун!»

ЯКШАНБА, 8

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Ҳамма кўриши шарт... эмас».
12.00 Болалар учун. «Кувноқ стартлар».
12.40 «Зийнат».
13.00 А. Қодирий. «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 7-қисм.
13.45 — 14.45 «Нурли келажак». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Мультолам».
18.20 «Шеър ва шуур».
18.30 «Ишқ риштаси». К. Худойбердиева.
18.50 «Ўзспортлото».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Якшанба оқшомида». Дам олиш дастури.
21.40 «Ўзбектелефильм» премьераси. А. Қодирий. «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 8-қисм.
22.05 «Спорт, спорт, спорт».

«Аср мўъжизаси» кинодастури.

22.25 «Кино янгиликлари».
22.40 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
23.00 «Бу ҳам кино». Сериал.
00.10 — 00.15 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Боланинг тили».
9.15 «Глобус».
9.25 «Қонун ҳимоясида».
9.35 «Жозиба».
9.50 «Бизнес-академия».
10.05 «Дилбарим».
10.20 «ТВ ва театр».
10.40 «Даллас». Телесериал.
11.30 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
12.00 «Интер-футбол».
12.20 Киноклассика. «Сўнгги император».

*

«Якшанбада яхши дам» дастури

14.00 Кўрсатувлар дастури.
14.05 Жаҳон халқлари эстрадаси.
14.30 «Таурас кучга кирганда». Телесериал (Австралия).
15.20 «Интер-футбол».
16.00 Сиз ёқтирган қўшиқлар.
16.20 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал (АҚШ).
17.10 «Бизнес-экспресс томошалари». Шоу дастури.
17.40 Мультипанорама.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Сувости дунёсига саёҳат».
18.35 «Синфдош».
19.00 «Бари ҳазил».
19.10 15 дақиқа спорт ҳақида.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Жараён».
20.15 Тақвим, оҳанглар ва эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Мусиқа салтанати».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 «Даракчи».
22.30 «Миллионлар ўйини».
22.50 «Келгуси ҳафтада».
23.10 Видео—»О». Луи де Фюнес «Фитна» комедиясида.
00.45 — 00.55 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

18.20 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
18.25—24.00

*

24.00 Эълонлар.
00.05—00.30 «Панорама» (рус тилида)

IV

9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франса?»
9.55 Якшанба эртаги.
11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.45 Клип-антракт.
11.55 Эълонлар.
12.00 Киносалон. «Фирма».
14.00 «Ракурс».
14.30 «Жонли сайёра».
14.50 Клип-антракт.
15.00 Кундузги сеанс. «Даут Фаер хоним».
16.35 Мультэкран.
16.50 — 17.10 «Сенинг вақтинг».

*

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мульттомоша».
19.00, 22.25 Эълонлар.
19.05 «Кобра». Телесериал.
19.50 Бугунги кун мавзуси.
20.05 Клип-антракт.
20.15 Хайрли оқшом.
20.45 Клип-антракт.
20.55 Телеташриф.
21.15 Иштирок этувчилар.
21.35 Жаҳон кино янгиликлари.
22.05 Мусиқий Олимп.
22.30 Киносалон. «Беверли Хилслик полициячи».
00.05—00.15 «Хайрли тун!».

САҲНА ГУЛИ

УМРИНИ театр санъатига бағишлаб, одамларга нур ва зиё бахш этган, ҳаётда ва санъатда ўз ўрнини топган Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик драма театрининг етакчи актрисаси Рихси Иброҳимова 60 ёшга тўлди.

Рихси Иброҳимова актёрлик фаолиятини жуда эрта А. Н. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида ўқиб юрган 1956 йилда бошлаган эди. Истеъдодли режиссёр Тошхўжа Хўжаев 1957 йилда Ҳамза номли театрда Комил Яшиннинг "Йўлчи юлдуз" драмасини саҳналаштиради. Спектаклдаги бош роллардан бири — Гуласал театрнинг ёш актрисаси Рихси Иброҳимовага топширилади. У бойнинг хотини гўзал Гуласалнинг оғир қисматини моҳирлик билан ижро этади ва томошабинлар назарига тушади. Ўша йили Москвада бўлган Ёшлар фестивалида "Йўлчи юлдуз" спектакли ҳам намойиш этилади ва Рихси Иброҳимова Гуласал образи учун фестивал совринига сазовор бўлади.

Ўшандан бери орадан 40 йил вақт ўтди. Рихси Иброҳимова Шукур Бурҳонов, Наби Раҳимов, Тошхўжа Хўжаев, Гани Аъзамов, Амин Турдиев, Қудрат Хўжаев каби таниқли санъат усталаридан актёрлик санъатининг нозик сирларини пухта ўрганди, ўз устида тинмай ишлади ва ўнлаб ўлмас образлар яратди.

У яратган Иззат Султоннинг "Имон"идаги Озода, М. Шайхзоданинг "Мирзо Улуғбек"идаги Феруза ва Гавҳаршодбегим, Уйғун ва Иззат Султоннинг "Алишер Навоий"сидаги Гули, В. Шекспирнинг "Гамлет"идаги Офелия, "Қирол Лир"даги Карделия, "Отелло"даги Эмилия, Ҳамзанинг "Бой ила хизматчи"сидаги Жамила, Ч. Айтматовнинг "Асрга татигулик кун"идаги Ойзода каби образлар ҳаётийлиги ва катта жозибаси билан алоҳида ажралиб туради.

Таниқли санъат устаси, ўзбек маданиятининг улкан арбоби Сора Эшонтўраеванинг Ҳамза театрида яратган элга машҳур образларини Рихси Иброҳимова 60—80 йилларда ўзига хос услуб, йўналиш ва талқинда саҳнада қайтадан гавдалантирган ҳамда ўз устозига садоқат ва шогирдлик ҳиссини унутмаган истеъдодли актрисалардан. Шунингдек, у мураккаб тақдирли аёллар образларини яратишда Замира Ҳидоятова, Тошхан Султонова, Зайнаб Садриевалардан ҳам кўп нарса ўрганди. Уларнинг ҳам маҳорат сирларини эгаллади.

Рихси Иброҳимова маънавий маданияти етук, драматик ва фожиали ролларни қиёмига етказиб, катта жозиба билан ўйнайдиган қамрови катта актриса. Ахир Гули, Жамила, Феруза, Офелия каби ҳар томонлама мураккаб образларни меъёрига етказиб ижро этиш ҳар қандай актрисага ҳам насиб этавермайди.

Рихси Иброҳимова ижодини кино санъатисиз тасаввур этиш қийин. У жуда кўп бадиий фильмларнинг дубляжида қатнашди, қатор бадиий фильмларда эса суратга тушди. Х. Ахмарнинг "Интеграл"идаги Ойхон, М. Афзаловнинг "Келинлар қўзғолони"даги Бўстон, М. Муқимовнинг "Сени излаб"идаги Рихсихон ая, М. Афзаловнинг "Сени кутаман"идаги она каби образлар актрисанинг кинодаги кўп йиллик самарали меҳнатининг маҳсулидир.

Актриса жамоат ишларида ҳам фаол. У Ўзбекистон театр арбоблари жамияти бадиий кенгашининг аъзоси, Тошкент шаҳар хотин-қизлар кенгаши ҳайъатининг аъзоси сифатида қизғин фаолият кўрсатмоқда.

Ўткир ШОКИРОВ.

Суратда: Ўлмас Умарбековнинг «Шошма қуёш» спектаклидан кўриниш.

ЁДГОРЛИКЛАР — ТАРИХДАН СЎЗЛАР

...МАРКАЗИЙ Осиё халқлари маданиятининг шаклланиш ва тараққий этиш тарихини ўрганишда Тошкент воҳасининг тарихий аҳамияти тўғрисида олимлар жуда кўп ёзишган. Дарҳақиқат Тошкент воҳаси ҳали тўлалигича ўрганилмаган, ниҳоятда бой ўлкадир.

ТОШКЕНТ вилоятининг кўпгина туманларида (Ангрен, Бўстонлиқ, Оҳангарон, Олмалиқ, Паркент ва ҳ.) қадимги цивилизация излари сақланган. Шуни ҳам айтиш лозимки, Тошкент вилояти археология ёдгорликларининг сони бўйича республикада олдинги ўринларда туради. 1975 йилда биринчи қайд этилган рўйхатда 760 археологик ёдгорликларнинг номлари, жойлари ва саналарини кўрамиз. Лекин бу сўнгги рақам эмас. Ҳали ўрганилмаган қанча-қанча қўрғонлар, тепаликлар мавжуд. Ва, афсуски, кўп йиллар мобайнида ўнлаб қадимий ёдгорликлар вайронага айланган.

Лекин биз ҳозиргача сақланган ва миллий ифтихоримиз рамзи сифатида жаҳон олимларини ўзига тортаётган йирик ёдгорликларимизни нафақат билиш, балки уларнинг консервацияси ҳақида ҳам ўйлашимиз керак бўлиб турибди.

Оққўрғон туманидаги Қанқа ва Шохрухия ёдгорликлари, Бўстонликдаги Обираҳмат ғори, Хўжакентдаги тош даврига оид тошдаги битиклар, Ангрендаги Кулбулоқ, Олмаликдаги Қорихона каби ёдгорликлар Франция, Япония ва Россия давлатларида машҳурдир ва ўша ерлик археолог олимларнинг бизнинг диёримизда илмий ишларни олиб бориш ниятлари борлиги маълум.

Оққўрғондаги Қанқа археология ёдгорлиги XIX асрдаёқ қайд этилган эди. 1934 йилда Михаил Массон, кейинги йилларда Чотқол-Қурама археология отряди бу ерни ҳисобга олган ва қисман қазиш ишлари олиб борилган.

Ёдгорлик эрамизнинг биринчи асрларидан XIII асргача бу жойда катта ва ажойиб шаҳар бўлганлигидан хабар беради. Шарқ географлари уни ўша вақтдаги Харашкент билан бир дейишган. Тошкент давлатида бу шаҳар катталиги жиҳатидан иккинчи шаҳар бўлган экан.

Шохрухия ҳақида эса қанча гапирсак ҳам оздир. У Амир Темурнинг номи билан боғлиқ. Шохрухия Шохруҳ Мирзонинг дунёга келиши туфайли бунёд этилган. Унинг қадимги Бинокат ёки Банокат шаҳар вайроналарида қайта туғилиши, Амир Темур амри билан мустаҳкам қалъага айланиши ва унча узоқ бўлмаган ҳаёти тарихимизда алоҳида ўрин тутади.

Агар ҳар бир ёдгорликка назар ташлаб, унинг тарихига мурожаат қиладиган бўлсак, халқимизнинг қалбида, хотирасида яшаётган ривоят ва афсоналар олами кишини ўзига тортиб кетади. Бизга мана шу хазина жуда-жуда керак. Вилоятимизда Қирқизобод деган ажойиб бир жой бор — Олмалиқ ва Пскент оралиғида. Аввал ҳар бир келган одам бу жойни зиёрат қилади. Сўнг гўзал бир афсонани эшитади. Қанча-қанча одам бу афсонани эшитиб, Қирқизободнинг абадий куйини, унинг ғамгин тарихини ўзлари билан олиб кетган!

ҚАДРИЯТ

...Узоқ-узоқ ўтмишдан етиб келган бу афсона. Бу жойлар ўша вақтда ниҳоятда гавжум бўлган. Ажойиб шаҳарда меҳнатни севган ҳур одамлар яшардилар. Ўшанда шаҳар ҳокимининг 40 қизи бўлган экан. Қизларнинг гўзаллиги ҳақида узоқ ва яқин шаҳарларга овоза тарқалган, уларни қўриқлаш учун 40 жасур йигитларни тайинлаган экан.

Бир куни нохуш хабар етиб келди: ёв келмоқда. Халқ шаҳарни мудофаа қилиш учун ҳеч нарсасини аямади. Қонли жангларда кўпчилик ҳалок бўлди. Ҳоким ҳам, барча ботирлар ҳам жанг майдонида қолдилар. Бу фожиадан табиат ҳам даҳшатга тушди. Маликаларни қўриқлаётган йигитлар сўнгги нафасгача жанг қилдилар. Ўшанда 40 қиз шаҳарни тарк этиб, олисроқда жойлашган кўлга қараб қочдилар. Ўлимни асирликдан афзал кўрган маликалар ўзларини сувга отдилар ва балиқларга айландилар...

Ўшандан бери қанча йиллар ўтди. Қанча сувлар оқиб, қанча афсоналар ва қўшиқлар битилди. Лекин бу афсона халқ орасида яшамоқда. Кўл бўлган жойда 40 булоқ пайдо бўлган. Ўша 40 булоқдан чиқаётган сувни ўша 40 қизнинг кўз ёшлари, деб ҳам таърифлашади. Одамлар зиёратга келиб, ҳар бири ўзи билан ўша олис ўтмишда содир бўлган воқеанинг оҳангини олиб кетади, яқинларига айтиб беради. Ва афсона яшайди, Афсона билан бирга гўзаллик, озодлик ғояси яшайди. Инсон озод экан — у бахтлидир. Қирқизобод зиёратгоҳи бир дақиқага бўлса ҳам, бизни ўтмишга қайтаради ва буюк жасур аждодларимизнинг сиймолари кўз олдимизда намоён бўлади.

Мана шу хотиралар керак бизга. Биз ўтмишни ўзимиз учун нафақат тарих деб, балки энг аввал эзгулик деб билмоғимиз керак. Чунки эзгулик ҳам — бизга меросдир.

Бизга ажойиб инсонлар керак. Юрт тарихини, маданиятини биладиган, унга садоқат билан хизмат қилаётган кишилар керак. Қўшиқчилар, бахшилар, халқ усталари, ҳаттотлик ва меъморлик оламида ижод қилаётган кишилар керак.

Тошкент воҳасида қадимий йўллар ҳамма даврларда асосий — Буюк Ипак Йўли ва шох йўллар вазифасини бажарган. Оққўрғон ҳудудида Сирдарё билан Чинозни боғлаб турган йўл бўлган. Қизиғи шундаки, Сирдарё орқали кечув бўлган. Бугун биз ўша йўлни излаяпмиз. Оҳангарон туманида эса XIX асрдан сақланиб қолган сардоба бор. Бугун у эътибордан четда қолган, лекин ўзининг даврида Ипак Йўлида жойлашган ва Тошкентга Паркент орқали ўша йўлдан ўтилган. Оҳангарон ҳақида алоҳида сўз юритса бўлади. Бу кўҳна водий тарихи унинг иқлими ҳам, тупроғи ҳам, унинг одамлари ва удумлари алоҳида бир ҳикояни ташкил қилиши мумкин. Айтиш мумкинки, қадимда ва ўрта асрларда Оҳангарон водийси катта аҳамиятга эга воҳа бўлган.

Тошкент воҳаси — тарих, тиббиёт, жуғрофия, меъморчилик, тасаввуф ва албатта адабиёт шаклланган, камол топган масканлардан бири бўлган. Буюк тариқатлар бу воҳада ўзининг намояндаларига эга бўлган. Бу тарихни, яъни ўз ўтмишимизни ўрганиш ва асраш вилоятда яшаётган ҳар бир киши учун бурч бўлмоғи керак.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,
"Олтин Мерос" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси.

"МАФТУНА"НИНГ САҲОВАТИ

ОИЛА йили муносабати билан яқинда Алимкент қўрғонида Оққўрғон тумани "Наврўз" хайрия жамғармаси бўлинмаси ташаббуси билан ташкил этилган "Оилам, Ватаним менинг" шиори остида қизиқарли тадбир ўтказилди. Тадбирга туман тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, маҳалла фаоллари, мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси "Наврўз" халқаро хайрия жамғармаси қошида ташкил этилган, республикада хизмат кўрсатган артист Муҳаммаджон Шокиров бошчилик қилаётган "Муҳаммад гармон" дастасининг хайрия концерти йиғилганлар қалбида илиқ таассурот қолдирди.

Концерт дастуридан кейин Оққўрғон тумани "Наврўз" хайрия жамғармаси бўлинмасининг раиси М. Турдибоева кам таъминланган оилалар фарзандларига ҳамда ота-онасиз етим болаларга жамғарма ҳомийси "Мафтуна" акциядорлик жамияти ажратган 14 минг сўмлик кийим-кечакларни тақдим этди.

Ўз мухбиримиз.

ҒЎЗАДАН ОЛИНГАН ДОРИ-ДАРМОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН фанлар академияси биоорганик кимё институти тажриба саноатида вирусли ва аутоиммунли касалликларни даволашда қўлланишга мўлжалланган ўзига хос дори-дармонлар ишлаб чиқарила бошланди. Уларнинг асосини чигитни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўладиган махсус алколид — госсипол ташкил этади.

Янги дори-дармонлар ҳозирча икки хилдан иборат. Уларнинг бири ҳамма яхши биладиган, "Герпес" деб аталадиган касалликни даволашда жуда яхши самара берди. "Батриден" деб аталган иккинчи хили эса, истеъмол қилиш меъёрига қараб, иммунитетни камайтириш ёки кучайтириш қобилиятига эга. Шунинг учун ҳам унинг қўлланиш доираси жуда кенг.

Янги дорилар синовдан яхши ўтиб, республика соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан кенг қўлланиш учун тавсия этилган. Уларни амалда қўллашдан олинган дастлабки ижобий натижалар мамлакатимиз тиббиёт ходимларидагина эмас, хорижлик мутахассисларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

СПОРТ

ЧЕМПИОНДАН ҲОЛ СЎРАНГ

МОСКВАДА ўтаётган МДҲ чемпионлари кубоги беллашувларида қатнашаётган МҲСК футболчилари бир мағлубият ва бир ғалабадан сўнг учинчи ҳал қилувчи учрашувни Озарбайжоннинг "Капяз" жамоаси билан ўтказишди. Ғалаба ёки дуранггина футболчиларимизга чорак финалга йўл очиб берарди. 1:3 ҳисобида мағлубиятга учраган МҲСК мусобақадан чиқиб кетди. Шундай қилиб, "Навбаҳор" сингари МҲСКнинг ҳам мазкур турнирда қатнашуви муваффақиятсиз тугади.

Ўтган куни чорак финал ўйинлари бўлиб ўтди. Буларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Динамо»(Тбилиси) — «Динамо»(Киев) — 0:1, «Капяз»(Ганжа) — «Сконто»(Рига) — 2:3, «Спартак»(Москва) — «Каредa» (Шауляй) — 3:0, «Копетдоғ»(Ашгабат) — «Динамо»(Минск) — 7:1. Ярим финалда Киев динамочилари «Копетдоғ» билан, «Спартак» «Сконто» билан учрашади.

Бугун ярим финал ўйинлари бўлади, ғолиб эса 1 февралда аниқланади.

Об-ҳаво

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасининг хабарига қараганда, 30 январь — 3 февраль кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради, ҳаво булутли бўлиб, вақти-вақти билан ёмғир ва қор ёғади. Баъзи жойларда кечқурун ва эрталаб туман тушади.

Ҳарорат дастлабки кунларда кечалари 1 даража совуқ ва 4 даража атрофида илиқ, кейинги кунларда эса, 3-8 даражагача совуқ бўлади. Кундуз кунлари 1 даража совуқдан 3-8 даражагача илиқ бўлади.

ЭНГ... ЭНГ... ЭНГ...

...СЕВИМЛИ МАШҒУЛОТ

Маълумотларга қараганда, коллекция тўплаш "дарди"га йўлиққанлари энг кўп бўлган мамлакат Чили экан. Маҳаллий газеталарнинг ёзишича, коллекция тўплашга бундай "меҳр қўйиш" буюк шоир Пабло Неруда номи билан бевосита боғлиқ экан.

Пабло Неруда бутун умри давомида капалак, гугурт қутиси, акварнумлар, эски китоб ва денгиз чиғаноқлари йиғишни ўзининг энг севимли машғулоти деб билган. Шоир уларнинг айримларини ўз юртида, айримларини эса турли мамлакатларга сафарлари чоғида йиғиб юрган. Шунинг учун ҳам П. Неруда коллекциясидаги буюмлар 15 минг хилдан ошиб кетган.

Хуллас, Чилида машҳур коллекционернинг севимли машғулотини бугун унинг минг-минглаб ватандошлари давом эттираётир. Паблонинг қўлёзмалари, молиявий ҳужжатларию чек дафтарчаларигача, ҳатто, эски лифтлар ҳам чилилик коллекционерлар назаридан қолмаётир.

...СЕРДАРОМАД СОҲА

Сайёҳлик — энг сердаромад соҳалардан бири экани ҳаммага маълум. Бразилияда мазкур соҳани такомиллаштириш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Хусусан, мамлакатнинг собиқ пойтахти — Рио-де-Жанейрони сайёҳларнинг энг севимли масканига айлантириш учун бир неча лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Ушбу лойиҳаларга кўра, бир йилдан сўнг Рио-де-Жанейро 2 миллиондан ортиқ чет эллик ва 5 миллион нафарга яқин маҳаллий сайёҳларга хизмат кўрсатиши керак. Бугунги кунда мазкур шаҳар йилига 3,2 миллион нафар бразилияликни ҳамда 842 мингдан зиёд хорижий сайёҳларни қабул қилаётир.

Ҳозир мамлакат сайёҳлик компаниялари тасарруфида 150 та "обрўли" меҳмонхона, 1609 та маданий ва табиий дам олиш уйлари бор. Бундан ташқари, 94 та театр, 79 та музей ва 30 та истироҳат боғи ҳам улар ихтиёрида.

...НАРХ-НАВОСИ ҚИММАТ ШАҲАР

Швейцариянинг "Юнион де банк Сюнсс" банки бир неча йилдан буён дунё мамлакатларининг энг кўзга кўринган 56 та шаҳридаги нарх-наво даражаларини аниқлаш билан шуғулланиб келади. Ҳисоб-китоблар ҳар уч йилда бир марта ўтказилади.

Банк маълумотларига кўра, айни вақтда дунёда нарх-наво энг қиммат бўлган шаҳар Токио экан. Шу сабабдан ҳам токиоликлар бир ҳафтада 45 соат меҳнат қилишади. Бу Шимолий Америка ва Ғарбий Европадаги касбдошларига нисбатан улар 6 соат кўп ишлайди, деган гап.

(ЎзА).

БУЮРИШ СИЗДАН, ХИЗМАТ БИЗДАН!

Тошкент вилояти шаҳар ва туманлари ҳамда корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига.

"Ўзбекнаво" гастрол-концерт бирлашмасининг Тошкент вилояти бўлими шу йилнинг 15 февралигача жойларда "НАВРЎЗ" тантаналарини комплекс ташкил этиш ёки бадиий жамоалар ҳамда яккахон хонандалар билан таъминлашга буюртмалар қабул қилади.

Буюртмаларга ҳақ тўлаш келишилган ҳолда амалга оширилади.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 64-84-93, 64-83-43
Манзилимиз: Қибрай тумани, Дўрмон қишлоғи, Марказий кўча, 85 уй.

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ
Тел: 90-36-74.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0890. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 14.031 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 18.30. 1 2 3 4 5 6